

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



20:03 / 09.09.2017 15243

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «**Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир**» деб марҳамат қилган. Мўмин-мусулмонлар Аллоҳ таолонинг қазою қадарига бўйсуниб, мусибат келганда «**Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз**» деб истиржоъ айтадилар.

Биз ҳам Роббимизнинг қадарига бўйсунга ҳолда, истиржо айтган ҳолда биродаримиз Нуриймон Ҳасаннинг падари бузрукворларининг вафотлари муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, барча яқинларига чуқур таъзия билдириб, самимий ҳамдардлик билдирамиз.

«Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси ҳамда Ислом.уз портали юртимизда дин хизматида бўлган биродаримиз Нуриймон Ҳасан ва унинг оила аъзоларига Аллоҳ таолодан сабру салвон тилаймиз, Аллоҳ таоло отахонимизнинг барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ қилсин, Ўз мағфиратига олиб, охиратларини обод қилсин, жойларини жаннатдан қилсин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун!